

**ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНІ
ЦИКЛЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ
ЖИХАТЛАРИ**



Салаева Лобар Улутбек қизи
УрДУ мустақил тадқиқотчиси
salaevalobar04@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида цикллар назариясининг аҳамияти таҳлил қилинган. Худудий иқтисодиётдаги даврий жараёнларнинг асосий хусусиятлари, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва ривожланиш босқичлари ўрганилган. Цикллар назариясининг худудларни стратегик режалаштириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги роли таъкидланган. Мақолада иқтисодий цикллар, жумладан, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли цикллар доирасида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидағи ўзгаришларни баҳолаш услублари кўриб чиқилган. Шунингдек, технологик ўзгаришлар, инвестиция жараёнлари ва демографик динамика каби омилларнинг худудий ривожланишдаги таъсири таҳлил қилинган. Мазкур таҳдиллар асосида худудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун цикллар назариясига асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган..

Калит сўзлар: худуд, цикллар назарияси, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодий тизим.

Abstract. This article analyzes the importance of the theory of cycles in the processes of socio-economic development of regions. The main characteristics of periodic processes in the regional economy, their causes and stages of development have been studied. The role of the theory of cycles in the strategic planning of regions and the achievement of sustainable development goals is emphasized. The article examines methods of evaluating changes in socio-economic indicators of regions within the framework of economic cycles, including short, medium and long-term cycles. Also, the impact of factors such as technological changes, investment processes and demographic dynamics on regional development was analyzed. Based on these analyses, recommendations based on the theory of cycles were developed to ensure the sustainable development of regions.

Key words: territory, theory of cycles, socio-economic development, economic system.

1.Кириш

Худудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини,

шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдада ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти қарори [1] га мувофиқ статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида республика худудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасидаги муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилмоқда.

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини циклар назарияси асосида тадқиқ этиш айни худудлардаги тизимли муаммоларни аниқлашда, худудларнинг реал иктисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини таҳлил қилишда, шунингдек, энг муҳими жойлардаги маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг фаолиятларини доимий кузатиб бориш асосида масъулиятини ошириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини холисона баҳолашда ўзига хос методология ҳисобланади.

2.Адабиётлар шархи

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини моделлаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни худудий жойлаштириш ва бошқариш, мамлакат минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш сингари масалалар Ўзбекистонлик иктисодчи олимлардан С.С.Фуломов [3], Т.М.Ахмедов [6], А.М.Содиков [4], А.М.Қодиров, Ш.Ҳ.Назаров [9], Б.Рўзметов [4], Ш.Б.Имомов [7], П.З.Хашимов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов [8], А.Ж.Сиддиқов [10], И.О.Якубов [11], Д.Каримов [1] ва бошқаларнинг илмий изланишларида кенг ўрин олган.

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланиш циклари назарияси иктисодиётнинг эволюцион ривожланишининг иктисодий субъектлари кутишига боғлиқ ёндашувга асосланади. Таниқли хорижий олимлар Р.Лукас, А.Пигу, С.Фишер, Ч.Нелсон ва бошқа олимларнинг моделларида қўлланилиб, иктисодий тизимларнинг циклик ривожланишида кутишларнинг ролини назарий асослаш масалаларига эътибор қаратишган. Шу билан бирга, ушбу назарий ва услубий тушунчаларнинг эмпирик асосланиши уларга янги амалий нуқтаи назардан қараш имконини беради. Бундан ташқари, бу циклик ривожланишдаги фазавий ўзгаришларнинг табиатига иктисодий агентларнинг кутишларини белгилайдиган маълум параметрларнинг таъсир даражасини аниқлаш имконини беради.

Ҳар қандай иктисодий тизимнинг ривожланиши иктисодий субъектларнинг ривожланиш фазалари классик давларнинг (инқироз, тушкунлик, тикланиш, кўтарилиш) эволюцион ривожланиш хусусиятларига яқин бўлган хатти-харакатларнинг тегишли моделларини олдиндан белгилаб беради. Шу билан бирга, ижтимоий-иктисодий ривожланиш реал, молиявий ва маданий-институционал параметрларини тавсифловчи кўрсаткичлар гурухининг ўзгариши натижаси ҳисобланади.

3. Таҳлил ва натижалар


Иктисодий цикл — умумий иктисодий фаолликнинг муайян йиллар давомида

даврий юксалиб ва пасайиб, тебраниб туриши; бир неча йиллар да-вомида иқтисодиётда юксалиш ва пасайишнинг даврий тақрорланиб туриши, юксалиш, танглик, депрессия, жонланиш фазаларидан иборат. Вақтга нисбатан ҳар 20–25 й. да тақрорланиб турадиган узоқ ва ҳар 5–10 й. да тақрорланадиган қисқа Иқтисодий цикл бор. Алоҳида Иқтисодий цикл бир-биридан давомийлиги ва жадаллиги бўйича кескин фарқланади. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади. Циклнинг энг юқори нуқтасида иқтисодиётда тўлиқ бандлик кузатилади ва ишлаб чиқариш тўлиқ ёки деярли тўлиқ қувват биланн ишлайди. Циклнинг бу фазасида нарх даражаси ўсиш тамойилига эга бўлади, иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтайди. Танглик фазасида ишлаб чиқариш ва бандлик қисқаради, аммо нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Тангликнинг қутии нуқтасида и. ч. ва бандлик ўзининг энг паст даражаси билан характерланади. Жонланиш фазасида ишлаб чиқариш даражаси кўтарилади, бандлик эса тўлиқ бандлик даражасигача ўсади.[2]

Цикллар назарияси – вақт ўтиши билан иқтисодиётда, ижтимоий жараёнларда, табиатда ва бошқа соҳаларда кузатилиши мумкин бўлган тақорорий ўзгаришлар, яъни даврий жараёнлар тўғрисидаги назариядир. Цикллар назарияси турили фан ва соҳаларда қўлланилиб, ҳар бир соҳада ўзига хос хусусиятларга эга.

Иқтисодда цикллар назарияси иқтисодий жараёнлардаги юқорилаш ва пасайиш (ўсиш ва таназзул) даврий тақрорланишини ўрганади. Бунда асосий типлар шундай:

1. Қисқа муддатли цикллар (Китчин циклари): Давомийлиги 3–5 йил. Ушбу цикллар асосан корхоналарнинг инвентаризацияси ўзгариши билан боғлиқ.
2. Ўрта муддатли цикллар (Жуглар циклари): 7–11 йил давомида тақрорланади. Улар иқтисодий фаолиятнинг инвестициялар билан боғлиқ ўзгаришларини акс эттиради.
3. Узоқ муддатли цикллар (Кондратьев ёки "узоқ тўлқинлар"): 40–60 йил давомийлигида бўлиб, улар технология ва инновацияларнинг ўзгариши билан боғлиқ.
4. Супер цикллар: Бу энг узоқ ва кенг миқёсли ўзгаришларни ўз ичига олади, масалан, цивилизация ёки глобал трендлар доирасида.



1-расм. Циклар назарияси.

Табиий циклар назарияси биология, география ва экология соҳаларида қўлланилади, масалан, йиллик фасллар алмашиниши, ҳайвонлар миграцияси ва қўёш фаолиятининг 11 йиллик цикли.

Жамиятдаги сиёсий, маданий, ва демографик жараёнларда ҳам даврийлик мавжуд: Сиёсий ўзгаришлар циклари (инқилоблар, сиёсий режимлар ўзгариши) ва демографик циклар (туилиш ва ўлим суръатларидағи ўзгаришлар).

Математикада ва физикада циклар назарияси даврий функциялар ва осцилляция жараёнларини ўрганади: синус ёки косинус функциялари ҳамда электромагнит тўлқинлар.

Циклар назарияси турли соҳалардаги жараёнларни яхшироқ тушуниш, уларнинг натижаларини олдиндан башорат қилиш ва оқилона қарорлар қабул қилиш учун муҳимдир. Мисол учун: иқтисодда — рецессия ва бўйиб кетишни олдиндан сезиш, экологияда — табиий ресурслар истеъмолини режалаштириш, сиёсатда — ижтимоий барқарорликни сақлаш чораларини ишлаб чиқиш.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи турли омиллари ўрганилди. Хусусан, демографик тенденцияларни тавсифловчи омиллар (аҳоли сони; аҳолининг ёш таркиби; демографик коэффициентлари; умумий туғилиш коэффициенти; миграциянинг ўсиш суръатлари; шаҳар аҳолисининг сони; қишлоқ аҳолисининг сони), бандлик ва ишсизликни тавсифловчи омиллар (ишчи кучи ҳажми; ходимларнинг ўртача йиллик сони; ишсизлик даражас), ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш тенденцияларини ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини тавсифловчи омилларнинг кичик гурӯҳи, “монетар” деб таснифланган омиллар (асосий капиталга инвестициялар; аҳолининг пул даромадлари) ва бошқа ижтимоий омиллар (умумтаълим мактаблари сони; олий таълим муассасалари сони; шифохона муассасалари сони)

Шубҳасиз, кўрсатилган омиллар рўйхатини давом эттириш мумкин, бирок, чекланган статистик ресурс базасини, шунингдек, тақдим этилган омиллар ўз-ўзидан ривожланишнинг ижтимоий-маданий ва иқтисодий параметрларини акс эттиришини ҳисобга олган ҳолда, биз моделнинг асосий қоидаларини синаб кўриш учун шартли равищда кўриб чиқамиз, бунда кўриб чиқилаётган рўйхат баҳолашни амалга ошириш ва уларнинг асосида илғор ривожланиш цикли моделини текшириш учун етарлидир. Шунингдек, омилларнинг таркиби турли давлардаги статистик маълумотлар базаларини таққослаш тамойилига мувофиқ танланганлиги муҳимдир.

Шундай қилиб, иқтисодий ривожланишни баҳолашда шаҳар-демографик салоҳиятни тавсифловчи омилларнинг биринчи гурӯхига асосий кўрсаткичлар рўйхатидан қуидагилар киради:

1. Аҳоли сони.
2. Аҳолининг ёш таркиби.
3. Демографик коэффициентлари.
4. Туғилишнинг умумий кўрсаткичлари.
5. Миграциянинг ўсиш суръатлари.
6. Шаҳар аҳолиси.

7. Қишлоқ аҳолисининг сони.

Ривожланаётган шаҳар ва демографик ривожланиш тури, фикримизча, ишлаб чиқарувчи кучларнинг саноат ривожланиши нуқтаи назаридан энг истиқболли - саноат ва индустриядан кейинги ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчisi бўлиб, бу ўз навбатида тизим ва унинг “созламалари”, шу жумладан ва иқтисодий агентларнинг кутишлари соҳасида ривожланиш салоҳиятини белгилайди.

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини циклар назарияси асосида тадқиқ этиш мақсадида маҳсус услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бунда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни даврийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қуйида ушбу тадқиқотнинг асосий услубий жиҳатлари келтирилади.

1. Тадқиқотнинг методологик асослари (цикларнинг турларини аниқлаш, таҳлил босқичлари, тизимили ёндашув.

2. Статистик ва иқтисодий кўрсаткичларни танлаш (асосий кўрсаткичлар ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ), инвестиция ҳажми, ишсизлик даражаси, аҳоли даромадлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, динамика таҳлили ва композит индикаторлар, яъни бир нечта кўрсаткичлар асосида умумий индекс яратиш.

3. Эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш (тренд ва цикларни ажратиш, бунда узоқ муддатли тренд ва даврий цикларни ажратиш учун фильтрлар, Ходрик-Прескот фильтри ва спектрал таҳлил қўлланилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодий жараёнларнинг прогнозлаш моделлари ARIMA, VAR ёки динамик тарзда ўзгарувчи омиллар моделлари каби воситалардан фойдаланиш мумкин бўлади. Ёхуд сценарийларни таҳлил қилиш.

4. Омилларни таҳлил қилиш: технологик ривожланиш, демографик динамика, инфратузилма ва инвестициялар.

5. Худудий фарқларни таҳлил қилиш, бунда ҳар бир худуднинг ўз ўзига хос ижтимоий-иктисодий шароитлари ва цикларга бўлган таъсирчанилиги ҳисобга олинади, худудлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар таҳлил қилинади (кластер ёки иқтисодий алоқалар асосида).

Ҳар бир худуднинг шўига хос хусусияларини ниобатта олган ҳолда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши. Бу эса ўз навбатида худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида циклар назариясидан келиб чиқиб аниқ ва мантиқий қарорлар қабул қилишга хизмат қиласди. Барқарорлик ва иқтисодий инқизорларнинг олдини олиш учун мувофиқ чоралар режасини тайёрлашга имкон беради.

4.Хулоса ва таклифлар

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишида циклар назарияси муҳим назарий ва амалий асослардан бири ҳисобланади. Ушбу назария худудий иқтисодиётдаги даврий жараёнларни чуқурроқ тушуниш, уларни олдиндан башпорат қилиш ва барқарор ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Мақолада иқтисодий цикларнинг турлари ва уларнинг худудий ривожланиш жараёнларига таъсири атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, технологик

ўзгаришлар, демографик динамика ва инвестиция жараёнлари каби омиллар цикларнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи асосий драйверлар сифатида белгиланди.

Таҳлиллар шуни қўрсатадики, циклар назариясини ҳудудларни бошқаришда қўллаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлаш мумкин. Шу сабабли, ҳудудларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишда циклар назариясига асосланган ёндашувни кенг татбиқ этиш муҳим аҳамиятта эга.

Адабиётлар:

1. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/23_Karimov_D.pdf
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/iqtisodiy-tsikl-uz>
3. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. -Т.: Фан, 1980. - 194 с.;
4. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. -Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2005. - 280 с.;
5. Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис....докт. экон. наук. -Т.: 1998;
6. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. -Т.: ФАН, 1992;
7. Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореф. дис...докт. экон. наук. -Т.: 1998;
8. Қаюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: Университет, 2004;
9. Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. - 5 б.;
10. Сиддиқов А.Ж. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида саноат ишлаб чиқаришнинг минтақавий муаммолари (Кашқадарё вилояти мисолида) кандидатлик диссертацияси автореферати. -Т., 2006;
11. Якубов И.О. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: ТДИУ, 2016.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

